O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

УШБУ СОНДА:
УЧ ЖАВОБГАРГА БИР ДАЪВОГАР 2
БЕЗОРИЛИК НИМА?
ТОЛЕРАНТЛИК МЕЗОНИ 3
ЁНМАГАН ПУЛЛАР 4

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 43 (350)
2003 йил
4 ноябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга.

Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 4-МОДДА

Istiqlol va imkoniyat

## ХАЛҚИМИЗ ЗАКОВАТИ БЕШИГИ



Мустақиллик халқимиз ҳаётида янги тарихни бошлаб берди. Мамлакатимизда барча соҳалар қатори илм-фан борасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Куни кеча эълон қилинган Вазирлар Маҳкамасининг **"Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"**ги қарори ҳам ана шундай ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир намунасидир. Мазкур қарорда Фанлар академиясининг ватанимиз тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси, унинг мамлакатимиз тарихи ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнига жуда ҳам юқори баҳо берилди. Бу баҳо академия ва унинг институтларида фаолият кўрсатаётган кўп сонли олимлар жамоаси учун юксак шараф бўлиш билан катта масъулият ҳамдир. Бу минг йилликлар давомида Ўзбекистон тупроғида тўпланган улкан илмий салоҳиятни асраб-авайлаш, унинг янада бойитиш ва ривожлантириш масъулиятидир. Зеро, ушбу қарор ўзининг моҳиятига кўра, келажакка қаратилгани, фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш истиқболларини белгилаб бергани билан диққатга сазовордир.

Ўзбекистон фани тарихи жуда узоқ замонларга бориб тақалади. Бу юрт қадим-қадимдан маданият, маърифат, илм-фан маскани бўлиб келган. Аждодларимизнинг табиат ва жамият ҳақида дастлабки амалий ва илоҳий билимлари, асотирли қарашлари мужассамлашган "Авесто" китобидан тортиб, бугунгача яратилган илмий, адабий кашфиётлар, технологиялар, самарали ғояларни умумий тарзда назарда ўтказадиган бўлсак, халқимиз ниҳоятда улкан илмий салоҳиятга эга эканлиги аён бўлади. Юртимизда академия тарзидаги илм-маърифат ўчоқлари, муассасалар, тўгараклар IX-X асрлардаёқ юзага кела бошлаган эди. Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Улуғбек каби алломаларимизнинг дунё илмий салоҳиятига қўшган улуши бениҳоя юксакдир.

Шу ўринда бевосита ҳаётий мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, улуғ аждодимиз Аҳмад Фарғонийнинг **"Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужуми китоби"** асари ҳали XII асрдаёқ Европада лотин тилига икки марта таржима қилинган. Ўша пайтда аллома ватандошимизнинг асарлари Европа университетларида асосий дарслик вазифасини ўтагани халқимизнинг илмий салоҳияти нечоғлик баланд эканини кўрсатади.

Иккинчи бир аллома ватандошимиз Абу Наср Форобий ўз даврида "Иккинчи муаллим" ёки "Шарқ Арастуси" дея эътироф этилган. Улуғ бобокалонимиз ўша пайтдаёқ юнон фалсафасини жуда чуқур ўзлаштирган ва бу таълимотни ўз қарашлари билан янги босқичга олиб чиққан. Энг муҳими, Абу Наср Форобийнинг буюк хизматлари туфайли Европа зиёлилари юнон фалсафасидан баҳраманд бўлган.Кўп минг йиллик тарихимиздан бундай шукуҳли мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Шунинг учун ҳам қарорда таъкидланганидек, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вужудга келиши тарихи, халқимизнинг юксак илмий-ижодий тафаккури буюк аждодларимизнинг ақл-заковат, юртимизда қадимда мавжуд бўлган илмий мерос ва анъаналар билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бу ҳақда шундай деган эди: **«Муболағасиз айтиш мумкинки, фанимиз, ақл-заковат, салоҳиятимизнинг ноёб ва гўзал биносига бундан кўп асрлар муқаддам пойдевор солинган эди. Мамлакатимиз фани жуда қадим замонлардан юксала бошлаганини, унинг чуқур ва қудратли илдизи борлигини фахрланиб айта оламиз. У асрлар давомида ўзбек миллатига, бутун инсониятга табиат сирларини ўрганишда тиббиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, адабиётшунослик ва тилшуносликда ишончли хизмат қилиб келмоқда».**

Бугунги кунда математика ва ядро физикаси, электроника, аэрогидромеханика ва газ динамикаси, биорганик ва физик кимё, ўсимлик моддалари юқори молекулали бирикмалар кимёси, ботаника ва селекция, зоология ва тиббиёт, биохимия ва биофизика, геология ва сейсмалогия, иқтисод ва фалсафа, тарих ва археология, шарқшунослик ва археография, адабиётшунослик ва тилшунослик соҳаларида жаҳон фани ютуқларидан қолишмайдиган натижаларга эришилди. Ҳатто кибирнетика, атом ва ядро энергетикаси, космонавтика, молекуляр генетика, ген-ҳужайра инженерияси, биотехнология, герменевтика, математик лингвистика, ижтимоий психология каби нисбатан янги соҳалар ҳам дадил қадамлар билан ривожланмоқда.

Қарорда фанни ривожлантириш ва бошқаришда муайян камчиликлар борлиги, ҳал қилинмаган муаммолар мавжудлиги ҳам кўрсатилиб ўтилди. Жумладан, бугунги кунда Фанлар академиясининг институт ва лабораторияларида олимлар жамоалари томонидан яратилган муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган юксак илмий салоҳият, халқ хўжалигини ривожлантиришга катта туртки берадиган айрим тадқиқот ишларининг натижалари эътибордан четда қолиб келаётгани, ишлаб чиқариш билан етарли даражада алоқа ўрнатилмаганлиги сабабли бу изланишлар ва ихтироларни рўёбга чиқариш учун тегишли имконият туғдирилмаётгани, моддий ва ижтимоий кўмак берилмаётгани таъкидланди. Бундай қарорнинг қабул қилингани ана шундай камчиликларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда катта имкониятлар яратадики, эндиги вазифа шу имкониятдан тўлиқ фойдаланиш, тадқиқотчилик фаолиятини янги босқичга кўтара олишдадир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тарихда ҳеч бир миллат, халқ маърифатсиз, илмсиз бир қадам олдинга юра олмаган. Халқни илгари бошлаган, уни улуғлаган, шон-шуҳратга буркайдиган, дунё тарихида номини абадул-абад муҳрлайдиган ҳам илм, тафаккур ва маърифат зиёсидир.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан ана шу тамойил ҳаётимизда ўзининг амалий ижросини топа бошлади.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида таъкидланган қарори маърифат йўлидаги ана шундай савоб ва эзгу ишларнинг узвий давоми сифатида бениҳоя катта аҳамиятга эга.

**Тўра МИРЗАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

## БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ИБРАТИ

Буюк ватандошимиз Муҳаммад ал-Хоразмий дунёда алгебра фанига асос солган. "Алгебра" сўзи ҳам Муҳаммад Хоразмийнинг "Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобола" номли асаридан олинган.

Олимнинг "Ал-Хоразмий" номи "алгоритм" шаклида фандан абадий жой олди.

Буюк ватандошимиз ўзининг "Зижи Хоразмий" асарида бошланғич меридиан сифатида Арин (ҳозирги Ҳиндистондаги Чжайи) шаҳридан ўтган меридианни танлаган. Ватандошимиз илгари сурган ана шу Арин ғоясидан келиб чиқиб, 1410 йилда Аналик Петр (Франция) ўзининг "Ернинг тасвири" номли асарини ёзади. Кейинчалик бу асардан Христофор Колумб фойдаланган. Ал-Хоразмий илгари сурган Арин ғоясига кўра, Ер ноксимон эканлиги ва ернинг Аринга қарама-қарши тарафида Аринга ўхшаш қуруқлик борлиги таъкидланади. Содда қилиб айтганда, Христофор Колумб улуғ аждодимиз ғоясига таяниб Америка қитъасини кашф этган.

* * *

Аҳмад Фарғонийнинг **"Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби"** асари XII асрдаёқ Европада лотин тилига икки марта, XIII асрда эса бошқа хорижий тилларга жуда кўп марта таржима қилинган.

Энг муҳими, ватандошимизнинг бу асари ўша пайтда Европа университетларида асосий дарслик вазифасини ўтаган.

Европа уйғониш даврининг йирик намоёндаларидан бири, машҳур олим Региомонтан XV асрда Италия ва Австралия университетларида Аҳмад Фарғоний асарларидан маъруза ўқиган.

* * *

Дунё цивилизациясининг ривожи яна бир буюк ватандошимиз Абу Наср Форобийнинг номи билан чамбарчас боғлиқ.

Буюк ватандошимиз ўз даврида "Иккинчи муаллим" ёки "Шарқ Арастуси" деб эътироф этилгани ҳам унинг илмдаги салоҳияти, тафаккур дунёси нечоғлик кенг эканлигини кўрсатади.

Улуғ бобокалонимиз юнон фалсафасини чуқур ўрганган ва бу таълимотни ўз қарашлари билан янада бойитган. Энг муҳими, юнон фалсафасининг дунёга ёйилишида Абу Наср Форобийнинг хизматлари тенгсиздир. Жумладан, Европа аҳли бобомизнинг улкан хизматлари туфайли юнон фалсафасидан баҳраманд бўлган.

Абу Наср Форобий жуда кўп фанлар бўйича етук олим ҳисобланган. Хусусан, у IX асрдаёқ ўзининг "Юлдузлар ҳақидаги қоидаларда нима тўғри ва нима нотўғрилиги ҳақида" асарида Ойнинг тутилиши Ернинг Қуёш билан Ой ўртасига тушиб қолишига боғлиқлигини исботлаб берган.

Solnoma

## ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ИЛМ-ФАН РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ХАЙРЛИ ВА ЭЗГУ ИШЛАР

**1991 йил 20 сентябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиёт институтига Алишер Навоий номини бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

**1991 йил 22 октябрь.** Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги арбобларнинг ижодий фаоллигини рўёбга чиқариш, уларнинг турмуш даражасини ошириш ҳамда бозорга ўтиш шароитида ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш учун шароитни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **"Ўзбекистон ижодий арбоблари жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинди.

**1992 йил 12 май.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **"Жаҳон тиллари ўзбек давлат университетини ташкил этиш тўғрисида"** Фармон чиқарди.

**1992 йил 28 август.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **"Ўзбекистон ижодий ёшларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонга имзо чекди.

**1992 йил 8 октябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **"Фан соҳаси ходимларига имтиёзлар тўғрисида"** Фармон чиқарди.

**1993 йил 5 февраль.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **"Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш чоралари тўғрисида"** Фармон чиқарди.

**1993 йил 4 май.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **"Истеъдод" ижодкор ёшлар Республика жамғармасини таъсис этиш тўғрисида"**ги Фармони эълон қилинди.

**1993 йил 8 май.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **"Ижодкор ёшларнинг уй-жой шароитини яхшилаш тўғрисида"** қарор қабул қилди.

**1993 йил сентябрь.** Тошкентда Ўзбекистонда биринчи халқаро **"Мустақиллик"** кутубхонаси очилди. Унда инглиз тилидаги 20 минг жилд китоб ва 10 минг нусха журнал бор эди.

**1993 йил 23-24 октябрь.** Самарқандда "Имом ал-Бухорий ва унинг даври" мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Ушбу конференцияда 1993 йилда Ислом тадқиқотлари Оксфорд маркази томонидан эълон қилинган, Имом Исмоил ал-Бухорий меъморий мажмуасини реконструкция қилиш бўйича энг яхши лойиҳа танловига якун ясалди. Германиялик доктор Бодо Раш билан ўзбек меъмори Камол Шораҳмедовнинг биргаликдаги лойиҳаси ғолиб деб топилди.

**1994 йил 19 март.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **"1994 йилни Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилиш тўғрисида"**ги Фармонга имзо чекди.

**1995 йил 19 апрель.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **"Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясини ташкил қилиш тўғрисида"** Фармон чиқарди.

**1995 йил ноябрь.** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида буюк тилшунос олим, шоир ва файласуф Абул Қосим аз-Замаҳшарий таваллудининг 920 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

**1997 йил 7 январь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **"Иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармасини тузиш тўғрисида"** Фармон чиқарди.

**1997 йил 23 январь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **"Ўзбекистон бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида"** Фармони қабул қилинди.

**1997 йил 27 февраль.** Вазирлар Маҳкамаси **"Жаҳон адабиёти журналини ташкил этиш тўғрисида"** қарор қабул қилди.

**1997 йил 20 март.** Вазирлар Маҳкамаси **"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида"** қарор қабул қилди.

**1997 йил 27 ноябрь.** Вазирлар Маҳкамасининг **"Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

Xabar

## ОДИЛ СУДЛОВНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ



Шу йил 3 ноябр куни Тошкент шаҳрида АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамкорликда ташкил этган Марказий Осиё ҳудудий (регионал) конференцияси ўз ишини бошлади.

Конференция ишида Марказий Осиё мамлакатларида жиноий одил судлов тизимини ислоҳ қилишнинг энг долзарб масалалари муҳокама этилади.

Конференцияни Дэвид Эпплтон (АҚШнинг Ўзбекистондаги ишончли муваққат вакили) ва Адлия вазирининг биринчи ўринбосари И.Абдуллаевлар кириш сўзи билан очди.

Конференция ишида таниқли олимлар, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари ва Россиянинг юридик идоралари вакиллари иштирок этмоқда.

Конференция қатнашчилари уч кун давомида жиноят қонунчилиги ислоҳотлари, ҳибсга ва қўлга олиш процедураларини назорат қилиш усуллари, суд мажлисларида оқловчи ва қораловчиларнинг мунозара жараёнини ривожлантириш ва соддалаштирилган суд процедураларини қўллаш каби масалаларни муҳокама қиладилар. Конференция якунида бу борада келгусидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари келишиб олинади.

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ**

Bugunning gapi

## ҚОНУННИ ТЎҒРИ ҚЎЛЛАНГ!

Ваколатли ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларини текшириш амалдаги қонун-қоидаларга таянган ҳолда мутлақо холислик билан иш кўришни талаб қилади. Акс ҳолда хато ва камчиликларни аниқлаши лозим бўлган текшириш қонунбузарликка олиб келиши мумкин.

Чирчиқ шаҳрида яшовчи тадбиркор Соҳиба Мирсодиқованинг Тошкент вилоят адлия бошқармасига йўллаган шикоят хатида шундай дейилган:

"Шу йил 9 апрел куни Чирчиқ шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари менга тегишли бўлган дўконни текширишга келишди. Мен талаб қилишимга қарамай улар ўзларини таништирувчи ёки текширишга рухсат берувчи ҳужжат кўрсатишдан бош тортди, ҳатто исм-фамилияларини айтишни ҳам исташмади.

Энг ёмони, улар рухсат ҳам сўрамасдан пештахта ортига ўтиб, ўзбошимчалик билан товарлардан тортиб ҳужжатларгача текширишга тушишди. Мен улардан бир неча марта бундай ноқонуний ҳаракатни тўхтатишни сўрадим. Бироқ улар «биз истаган тадбиркорни текширишга ҳаққимиз бор, бу ерда шартни биз қўямиз, саволни ҳам биз берамиз, сизнинг ишингиз эса жавоб бериш, у ёғини кейин кўрамиз», дейишди.

Хуллас, 27 апрелгача давом этган текшириш мобайнида жуда кўп тушунтириш хатлари ёзиб беришимни талаб қилишди. Жумладан, дўконни қуришга қачон фармон берилгану, қачон фойдаланилишга топширилган, ҳисоб-рақамида қанча маблағ бор, кадастр ҳужжатлари қандай тузилган ёки жамғарма банкидан ўтган тўлов қоғозлари ҳақиқийми-йўқми? Бу талабларни бажармаганимча ишлашга қўйишмади.

(Давоми иккинчи бетда)

Soliq tizimi

## ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

***Давлатимиз ғазнаси ҳисобланган бюджетни бойитишда солиқ тизими ходимларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Самарқанд вилояти солиқ идоралари ходимлари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қонунчилигига қандай риоя этаётгани юзасидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 2425 та текшириш ўтказилиб, давлат бюджетига 3574.7 миллион сўм қўшимча солиқ ва тўловлар ундирилди.***

Бундан ташқари, 41 ҳолатда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида жиноят аломатлари мавжуд бўлгани сабабли текшириш ҳужжатлари чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига юборилди. Бундай корхона ва ташкилотлар сирасига вилоят "Сувоқова" бошқармаси, "ФБАС" тижорат ишлаб чиқариш фирмаси, "Меҳнат-роҳат" ширкат хўжалиги, "Ореол" МЧЖ, "GREEN GLOBAL" МЧЖ каби хўжалик юритувчи субъектларни қўшиш мумкин.

Солиқчилар ноқонуний тадбиркорликка қарши изчил кураш олиб боришмоқда. Масалан, Булунғур туманидаги "Ўзбекистон темир йўллари" ДАКга қарашли бинода салқин ичимликлар ишлаб чиқариш цехи ҳеч қандай ҳужжатсиз, табиий газ ва электр энергиясидан ноқонуний тарзда фойдаланган ҳолда фаолият юртиб келган экан. Ушбу цехдан шиша қопқоғини ёпадиган ускуна, 209 дона қопқоқ, 3 килограмм бўёқлар, 22 шиша минерал сув, 61 шиша лимонад, 1 дона сепаратор далилий ашё сифатида олиниб, қонунбузарга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Каттақўрғонлик Б.Х. эса уйида солиқ идорасидан тегишли гувоҳнома олмасдан ғишт ишлаб чиқариш цехини очган ва табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланиб келган. Худди шундай фаолият билан Самарқанд туман фуқароси Р.М. ҳам шуғулланган. У уйида чинни чойнаклар ишлаб чиқариш цехи очиб, яширин равишда табиий газдан фойдаланган ва давлатга 670961 сўмлик зарар етказган. Солиқчиларнинг саъй-ҳаракати билан уларнинг қинғир ишларига чек қўйилди.

Ҳозирги пайтда тадбиркор ва ишбилармонларга хориж товарларини мамлакатимизга олиб келишга барча имкониятлар яратилган. Шундай бўлса-да, айрим фуқаролар чет эл товарларини бозорларимизга ноқонуний йўл билан олиб келишга уринишмоқда.

Солиқчилар чет эл товарларини ноқонуний равишда вилоятимиз ҳудудига олиб киришга уринаётган бир қанча "учар"ларнинг фаолиятига чек қўйишди.

(Давоми иккинчи бетда)

# БЕЗОРИЛИК НИМА?

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин барча соҳалар қаторида жиноят қонунчилиги соҳасида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширияпти.***

Жиноят қонунчилиги ҳар бир мезоннинг тўғри қўлланиши, жамиятда адолат ўрнатилиши ва кишиларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни талаб этади. Шунинг учун жиноят қонунчилиги мезонларини ҳаётга тўғри татбиқ этиш суд-ҳуқуқ идораларининг асосий мажбурияти ҳисобланади. Амалиётда жиноят қонуни мезонларини қўллашда хато-камчиликлар, тушунмовчиликлар бўлаётгани ҳам бор гап. Ана шундай муаммоли масалалардан бири — безорилик жиноятлари ва уларни тўғри малакалаш билан ҳам боғлиқ. Ҳуқуқ-тартибот идоралари безорилик жинояти билан иш кўраётганда қуйидаги уч масалага жиддий эътибор қаратиш керак:

1. Безорилик жинояти ва унинг таркибини аниқ белгилаш;

2. Безорилик жиноятининг майда безориликдан фарқини аниқлаб олиш;

3. Қайси ҳаракатлар содир этилиши ижтимоий хавфли қилмишни безорилик жинояти деб топишга сабаб бўлишини белгилаш.

Жиноят қонунчилигига кўра, **безорилик** деб жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш, дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш, анча миқдорда зарар етказишга айтилади.

Бу жиноятни тўғри малакалаш муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, Олий Суд Пленуми 2002 йил 14 июнида **"Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти"** ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда бугунги кунда безорилик жинояти билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечими батафсил кўсатиб ўтилди.

Шунга кўра, биринчи навбатда безорилик жинояти жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят экани назарда тутилди.

**Жамоат тартиби** тушунчаси, жамиятда одамлар ўртасида ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларига асосланган муносабатлар йиғиндисини ва кишилар шулар асосида кундалик фаолият олиб боришини англатади.

Мана шу муносабатларга жиддий зарар етказиш қонун билан таъқиқланади.

Шуни эътиборга олиш керакки, қилмишни безорилик деб топиш учун жиноят қонунида кўрсатилган оқибатларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида бўлиши талаб этилмайди. Чунки кўрсатилган оқибатлардан бирининг мавжуд бўлиши ва қилмишда жиноят таркиби аломатларининг борлиги қилмишни ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан малакалаш ҳуқуқини беради.

Бу жиноят жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш, дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир қилинишида ифодаланади.

Бир ҳолатга эътибор бериш керакки, жамиятда мавжуд бўлган ахлоқ қоидаларини бузишнинг ўзигина жиноят таркибини ташкил этмайди. Чунки бу ҳаракатлар, **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги кодекснинг 183-моддасида кўрсатилганидек, майда безориликни ташкил қилади ва маъмурий жавобгарликни вужудга келтиради.

Шахсни безорилик жинояти содир этишда айблаш учун айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаши лозим. Яъни мазкур ҳатти-ҳаракатлар билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши зарур. Акс ҳолда, қилмишни **шахсга ёки мулкка қарши қаратилган жиноят** деб баҳолаш шарт.

Амалиётда яна бир нозик ҳолатга эътибор бериш керакки, қилмишни ЖКнинг 277-модда 1-қисми билан малакалаш учун 16 ёшга тўлган ақли расо шахснинг безорилиги замирида шахснинг баданига енгил даражада шикаст етказишнинг ўзи кифоя.

Жиноят қонунчилигида **баданга енгил шикаст етган** деб, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга шикаст етказиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек, соғлиқнинг қисқа вақт, яъни 6 кундан ортиқ, лекин 21 кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига айтилади, дейилган. Бу ЖКнинг 109-моддасида кўрсатилган.

**Уриш, дўппослаш** деганда эса айбдор томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилади.

Безорилик жиноятининг ташқи томони ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказишдир. **Мулкка шикаст етказиш** деганда, уни қисман яроқсиз ҳолатга келтириш тушунилади. **Мулкни нобуд қилиш** эса мулкни тўлиқ яроқсиз аҳволга келтиришни англатади.

Жиноят қонунига **анча миқдор** тушунчаси энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараваридан 100 бараваригача бўлган миқдорни билдиради. Агар шахс безорилик ҳаракати натижасида кўп миқдорда зарар етказишни мақсад қилса-ю, бироқ ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ана шу мақсадни амалга ошира олмагани аниқланса, бу ҳол ЖКнинг 277- ва 25-моддалари билан малакаланади.

Шахс безорилик содир этиш вақтида шу ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини кўрган фуқароларга қаршилик кўрсатиб, уларга ўртача тан жароҳати етказса ҳам, бу ҳолат безорилик жинояти таркибига кириб кетади ва бир модда билан малакаланади. Оғир тан жароҳати етказиш эса бундан мустасно.

Лекин безорилик тугагандан кейин, яъни шахс ушлангач, қаршилик кўрсатиб, тан жароҳати етказса, бунда бу жиноятлар жамини ташкил қилади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, яъни

**Huquqiy ma`rifat**

субъект рецидив, хавфли рецидивист бўлиб, содир этган қилмишида ЖКнинг 277-моддаси аломатлари бўлмаса, у маъмурий жавобгарликка тортилади. Яъни у майда безорилик содир этган ҳисобланади.

Шахс майда безорилик содир этиш вақтида қаршилик кўрсатса, айбдорнинг ҳаракатлари кўрсатилган қаршилик хусусиятига қараб ЖК махсус қисмининг тегишли моддалари билан малакаланади.

Олий Суд Пленуми Қарорида **судлар айбдорнинг ҳаракатларини мазкур модданинг муайян қисмидаги бир банддан ўша қисмдаги бошқа бандга қайта малакалашга ҳақли эмас**, деб кўрсатилган.

Жиноят қонунида шундай моддалар борки, безорилик, ўша жиноятни малакаловчи алоҳида белги сифатида назарда тутилади. Бу ҳолатда қилмишни қўшимча ЖКнинг 277-моддаси билан малакалашни истисно этади (масалан, ЖКнинг 97-модда 2-қисми "л" банди).

Безорилик аксарият ҳолларда мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психатроп ёхуд кишининг ақл идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этилишини инобатга олган ҳолда, судлар шу шахсларга нисбатан, бу ҳақда тегишли тиббий хулоса мавжуд булганда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Хуллас, безорилик жиноятига нисбатан жазо тайинлашда судлар ишнинг барча ҳолатларини инобатга олган ҳолда, ЖК ва Олий суд Пленуми қарорларида берилган тушунтиришларга амал қилишлари шарт.

**Ҳасан ОЧИЛОВ,**
**Аҳтам ТОШҚУЛОВ**

**Mitti maslahat**

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

## ҚИМОРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТИ

**Одамлар орасида оқибати яхшиликка олиб бормайдиган қиморбозликка берилган кишилар ҳам йўқ эмас. Ҳолбуки, қимор ўйнаш нафақат хавфли иллат, балки оғир гуноҳ ҳам ҳисобланади. Қимор ўйнаш шариатда ҳам ҳаром қилинган.**

**Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам қимор ўйнаш учун тегишли жавобгарлик белгилаган. Хусусан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг 191-моддасида пул, ашё ва бошқа хил қимматбаҳо нарсаларни тикиб қимор ўйнашга қимор ўйини буюмлари, шунингдек, ўйинга тикилган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиш жазоси назарда тутилган.**

**Бундан ташқари, қиморбозликнинг маънавий жиҳатларини ҳам унутмаслик зарур. Чунки қимор ўйнаш оқибатида айрим одамларда текинхўрликка мойиллик кучаяди. Бу эса оилавий жанжаллар ва ахлоқ меъёрларининг бузилишига сабаб бўлади. Шунинг учун қиморбозлик иллатига қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.**

**Qilmish-qidirmish**

*Жарқўрғон туманидаги "Бунёдкор-26" ҳиссадорлик уюшмаси бошқаруви раиси Қаюм Эркаев қурилиш ишларини мўмай пул топиш воситаси деб билди ва шу мақсадда бундан бир йилча муқаддам уюшган жиноий гуруҳ тузди.*

## ҚУРИЛИШДАГИ ҚАЛЛОБЛИК

Чунончи, "Бунёдкор-26" ҳиссадорлик уюшмаси раиси ўринбосарлари Очилди Оралов ва Қўчқор Абдимуратов, бош ҳисобчи Чори Отамуродов, уста Тўра Бўриев, вилоят капитал қурилиш бошқармаси бўлим бошлиғи Маҳмарасул Набиев, техник назоратчилар Бегмат Раҳимназаров, Нурали Ҳазратқулов, Омонулла Соҳибов, Бахтиёр Ҳакимов, Исмоил Қудратов, 227-кўчма жамланма бошлиғи Холмурод Абдуҳамитов, 575-кўчма жамланма бошлиғи Қаҳҳор Нормуродов, Қизириқ туманидаги "Мустақиллик" ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Абдукарим Хўжаёров, Денов туманидаги "Меҳригиё" МЧЖ бошқаруви раиси Темир Менглибоев, Жарқўрғон туманидаги "Маҳалла", Бойсун туманидаги "Ҳамкор" хусусий фирмалари раҳбарлари Панжи Тоғаев, Мухтор Каримовлар ушбу гуруҳга аъзо бўлишди. "Наврўз" МЧЖ бош муҳандиси Шайдулла Эшқобилов, "Оққўрғон" МЧЖ бўлим бошлиғи Йўлдош Тоғаймуродов, "Бинокор" ХЖ бўлим бошлиғи Исмоил Аҳматов, иш юритувчиси Маматёқуб Эшматов, "Мустақиллик" ХЖ бўлим бошлиғи Нурхон Бўтаёров, "Сариосиёсувқурилиш" ОТХЖ бўлим бошлиғи Холмат Сафаров, таъминотчи Абдумалик Қурбонов, омбор мудири Ҳусан Муҳаммадалиев, "Электрик" унитар корхонаси муҳандиси Бахтиёр Қодиров, "Дурадгор" унитар корхонаси иш юритувчиси Маҳмаражаб Абдуллаев, бош муҳандис Саъдулло Жумақуловлар ҳам уюшган гуруҳнинг ғаразли мақсадларини амалга оширишга астойдил ёрдам беришган.

"Давринг келди, суриб қол", қабилида иш юритган жиноий гуруҳ қўшиб ёзиш, қурилиш материаллари ва хизматлар баҳосини сунъий тарзда ошириш, ҳисобот ва иш қоғозларини бузиш, маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш, кўзбўямачилик, мансабни суиистеъмол қилиш, лавозим сохтакорлиги каби қаллобликларни авж олдиришган. Буни қуйидаги мисолларда ҳам яққол кўриш мумкин.

2000 йилнинг ёзида вилоятнинг тоғли ҳудудларида юзага келган фавқулодда вазият туфайли у ерда яшовчи аҳолининг бир қисмини бошқа жойга кўчиришга тўғри келди. Улар учун янги уй-жойлар қурилишида қатнашган 8 та ёрдамчи пудратчи хўжалик юритувчи субъект Қ.Эркаев бош бўлган бош пудратчи етакчилигида меҳнат қилди. Уларнинг ўзига молиявий қарамлиги, раҳбарларининг лоқайдлигидан фойдаланган Қ. Эркаев қасддан қурилиш материалларини ҳужжатсиз чиқим қилиб, бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштиришни атайлаб бир ойга кечиктириб, ҳисоботларни бузиш ва қўшиб ёзиш йўли билан 21,6 миллион сўмдан зиёд маблағни чўнтагига урган.

Жарқўрғон туманидаги 277-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма уюшган гуруҳ учун мўмай даромад манбаига айланган. Гуруҳ ушбу кўчма жамланманинг ҳисоботлари ва далолатномаларини қалбакилаштириш орқали 2001 йил 1-чорагининг ўзида 3,2 миллион сўмдан зиёд маблағини ўзлаштириб юборган.

Уюшган гуруҳ ўтказилаётган ислоҳотлар, мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларидан ҳам "унумли" фойдаланди. Денов туманида фаолият кўрсатаётган "Меҳригиё" МЧЖ танг аҳволга тушиб қолганини кўрган "тадбиркорлар" қонунга хилоф равишда жамиятнинг асосий воситаларини қайта баҳоламасдан ўз ихтиёрларига ўтказишган ва уларни арзонгаровга сотиб юборишган. Бундай "ҳотамтойлик" уюшмага 17 миллион сўмлик зарар келтирган.

Шу орада Қ.Эркаев ва унинг ҳамтовоқлари яна бир "ихтиро"га қўл уришади. Улар Тошкент шаҳридаги "Зарбдор" қурилиш шўъба корхонаси ҳисобидаги "Тико" русумли енгил автомашинадан фойдаланиш тўғрисида буйруқ чиқариб, уни чопқир отдек қилиб таъмирлашди. Афсуски, у уюшмага эмас, раиснинг ўзи-ю хонадонига хизмат қилади.

"Саховатли" раис вилоят қурилиш индустрияси ва коммуникацияси фаолиятига раҳбар бўлиб турган акахонларидан арзи-ҳол сўраш, зарур бўлганда уларга кўмаклашишни ҳам унутмаган. Ана шундай акахонлардан бирига 59х12 м.куб ҳажмдаги, қиймати 1 миллион 294 минг 132 сўмлик 30 дона бетон плиталар "совға" қилинган. Бунинг эвазига вилоятда барпо этилажак иншоотлар учун лимитдан бир қисмини капитал қурилиш бошқармасидан "Бунёдкор-26" уюшмасига ўтказдириш, уюшмага бюджетдан ажратилаётган пул ва қурилиш материалларининг олинишига кўмаклашиш, лимитдан зиёд қўшиб ёздириш каби «арзимас хизмат» талаб этилган.

Шахсий манфаатни устун қўйиш, ўз вазифаларига совуққонлик билан қараш борасида гуруҳ аъзолари бир-бирларидан асло қолишмаган. Буни "Бунёдкор-26" ҳиссадорлик жамиятининг ўзида бюджетдан молиялаштирилган махсус йўналишли ҳисоб рақамидаги маблағдан идора ашёлари, банкротлик бошқармаси, хўжалик суди, "Муҳаммад" шифохонаси, турли хусусий фирмалар, бизнес мактаби, улгуржи чакана савдо уюшмаси, электр энергияси, нефт маҳсулотларига жами 7,79 миллион сўмнинг ноқонуний ўтказиб юборилганида ҳам кўриш мумкин. Жамият раисининг иқтисод масалалари бўйича муовини А.Оралов ва бош ҳисобчи Ч.Отамуродов билиб туриб, шундай жиноятга қўл уришган. Бундан ташқари, юқорида санаб ўтилган қурилиш ташкилотлари, фирма раҳбарлари-ю мутахассислари ҳам ўзлари ва уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб давлат мулкини талон-тарож этишган. Қ.Эркаев 2 миллион 796 минг сўмдан зиёд, Т.Бўриев эса 5 миллион 300 минг сўмдан зиёд маблағни ўзлаштириб юборган. Албатта, ҳар нарсанинг чегараси бўлганидек, Қаюм Эркаев бошчилигидаги уюшган гуруҳ аъзоларининг жиноят фаолиятига ҳам якун ясалди. Қилмишлари фош этилган гуруҳ аъзоларига жиноий иш қўзғатилиб, улар суд ҳукми билан қонуний жазога тортилишди. Шу тариқа қурилишдаги қаллобликларга чек қўйилди. Бундан ким қандай хулоса чиқарди — бу ҳар кимнинг виждонига ҳавола.

**Ф.ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

## БИР САВОЛГА БИР ЖАВОБ

1992 йилда ўғлим собиқ келиним Холида Эсонованинг номига турар жой олиб берган эди. Ўғлим Икром Алланазаров 1996 йили вафот этди. Бу пайтда собиқ келиним ўғлим билан қонуний никоҳдан ажрашмаган ҳолда бошқа эркак билан яшаётган эди. Ҳозирда у ўғлимдан икки нафар фарзанди борлиги учун ўзининг номидаги уйда яшамоқда. Шу билан бирга у ўғлим билан яшаб келган бошқа уйга ҳам даъво қилмоқда.

Ҳолбуки, бу уйни 15 йил олдин ўзим қурганман. Собиқ келинимнинг бундай хатти-ҳаракати қонунга қанчалик мос? Шу ҳақда ҳуқуқий тушунтириш беришингизни илтимос қиламан.

**Муҳаммадкул Алланазаров,**
**Термиз шаҳри**

**Бу саволга ҳуқуқшунос Саломат Ниёзова қуйидагича жавоб беради:**

— Фуқаролик кодексининг 5-бўлим, 1118-моддасига мувофиқ собиқ келинингиз Холида Эсанова қонуний меросхўр ҳисобланади. Чунки ушбу моддада таъкидланишича, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр ҳисобланади.

Бундан ташқари, келинингизнинг меросхўрлиги масаласи никоҳнинг бекор бўлмагани ҳолати бўйича ҳам аниқланади. Оила кодексининг 23-моддаси талабига мувофиқ келинингиз ўғлингиз билан бирга яшаган уйга меросхўр бўлиш учун даъво қилишга ҳақли. Бироқ уйни сотиб олиш вақтида пул тўлаганингизни тасдиқловчи ҳужжатингиз бўлса, уйга эгалик қилиш учун судга сиз ҳам даъво билан мурожаат қилишингиз мумкин. Агар сизда пул тўлаганингиз ҳақида ҳужжат бўлмаса, уй келинингизга қолади. Чунки уй келинингизнинг номига расмийлаштирилган.



*Кузнинг соҳир кунлари*

**Jinoyat va jazo**

***Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деган нақл бор халқимизда. Шокирнинг "ўрганган кўнгли" уни учинчи марта суднинг қора курсисига етаклаб келди. Нафсим менинг балодир, ёнар ўтга соладир, деганларидек, нафс йўлида фирибгарликни ўзига касб қилиб олган бу кимса икки маротаба судланганига қарамай, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади.***

## ЙЎҚОЛГАН ҚИЁФА

СУД ОЧЕРКИ

У озодликка чиққач, ҳалол меҳнат қилиш ўрнига яна осон пул топиш йўлини излай бошлади. Шу ниятда кўча-кўйда изғиб юрганда мол бозоридан чиқиб келаётган ҳамқишлоғи Рустамни кўриб қолди. Ҳамқишлоқлар қуюқ ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг Рустам Шокирни меҳмондорчиликка уйига таклиф қилди. Рустамнинг уйида зиёфат қуюқ бўлди. Шундан сўнг Шокир бу хонадонга тез-тез келадиган бўлди. Кейинчалик у Рустамнинг хотини Назокатга илакиша бошлади. Рустам эса буни сезмади. Шокир шунчаки зерикканидан отамлашгани чиқаяпти, деб ўйлади. Янги йил байрами арафасида Шокир Рустамни хотини ва бола-чақаси билан уйига таклиф этди. Меҳмондорчилик охирида кайфи ошиб қолган Шокир Назокатга кўз сузди.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

## ТОЛЕРАНТЛИК МЕЗОНИ

**Hamjihatlik**

Кўпмиллатли мамлакатимизда толерантлик азалий одат бўлиб, фақат мустақиллик йилларидагина халқимизнинг инсонпарварлик, бағрикенглик, диний ҳамжиҳатлик каби маънавий қадриятлари бамисоли булоқ каби қайта кўз очди. Давлатимиз Бош Қомуси — Конституциясига, шунингдек, **"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"**ги қонунга биноан эътиқод масаласида барча тенг ва баб-баравар ҳуқуққа эгадир.

Қадимий карвон йўлларида жойлашган Бўканинг ҳозирги Тошлоқ маҳалласи ҳудудида 1860-70 йилларда маҳобатли масжид қурилганди. Маҳаллий ва четдан чақирилган ҳунарманд усталар томонидан бунёд этилган масжид ортиқча жимжимадор нақшлар билан безатилмаган бўлса-да, бироқ анча баланд, салобатли, пишиқ-пухта қад ростлаган эди.

Кўпни кўрган қарияларнинг гапларига қараганда, қадимда масжиднинг хонақоҳлари-ю, қироатхоналари ҳам бўлган. Лекин ўтган аср бошларидаёқ намозхонадан бошқа барча иншоотлар вайрон қилинган. Намоз ўқийдиган улкан бино деворлари ҳам, устунлари ҳам қўли гул меъморлар томонидан шунчалик меҳр билан бунёд этилган эканки, шўро замонида қанчалик ҳаракат қилинмасин уни бутунлай бузиб ташлай олмадилар.

Қадимий обида бугунги кунларга етиб келгунча "боши"дан кўп шўришларни ўтказди. Бино бир неча ўн йиллар ташландиқ бўлиб ётди, атрофи тиконли симлар билан ўралиб, одамлар учун ёпиқ ҳудудга айланди. Кейинчалик унинг ҳовлиси отхонага айлантирилди. Олтмишинчи йилларда эса намозхона ғишт деворлари урилиб, ундан заҳарли дорилар сақланадиган омбор сифатида фойдаланилди. Охир-оқибат колхознинг эски, яроқсиз техникалари шу ерда сақланадиган бўлди.

Ана шундай қалтис вазиятда "Тошлоқ" маҳалласининг ўша вақтдаги оқсоқоли Ҳабибулла ака Имомалиев қандай бўлмасин тумандаги ягона омон қолган кўҳна обидани асраб қолиш учун сон-саноқсиз идораларни эшигини қоқди, лекин ижобий натижа чиқмади.

Фақат мамлакатимиз мустақилликка эришиб, юртимизда эътиқод эркинлигига кенг йўл очилгач, аҳвол тубдан ўзгарди. Бу бино одамларнинг саъй-ҳаракати билан қадимий ҳолига келтирилди. Атрофи ободонлаштирилди, дарахтлар, гуллар экилди. Истиқлол шарофати туфайли бу маскан "Тошлоқ", "Наврўз" маҳалласи қарияларининг масжиди ва бўкаликлар учун қадамжога айланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Чунки эътиқод эркинлиги эндиликда ҳар бир шахс учун қонун асосида кафолатланди.

Маълумот тариқасида шуни айтиш жоизки, ҳозир биргина Тошкент вилоятининг ўзида адлия бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтган 208 та ислом, 51 та христиан ва иккита бошқа динга оид диний ташкилотлар ўз низомлари асосида қонуний фаолият кўрсатмоқда. Юздан ортиқ миллат ва элатлар фарзандлари яшайдиган мамлакатимизда ўн бешдан зиёд диний конфессия вакиллари тинчтотувликда кун кечираётган экан — буни демократия тамойилларининг ҳаётий ифодаси деб тушунмоқ керак. Энг муҳими, дин аҳли она диёримизда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида, тинчликни сақлаш ва ҳайрия фаолиятида, умумбашарий қадриятларни қарор топтиришда иштирок этишлари учун ҳамма имкониятлар яратилган.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ

### У ДАВЛАТЛАРАРО НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА КАТТА ҲИССА ҚЎШАДИ

***Ҳозирги вақтда давлатлар орасида келиб чиқувчи низоларни ҳал этишда халқаро ташкилотларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, меҳнат соҳасида келиб чиқаётган низоларни халқаро меҳнат ташкилоти халқаро миқёсда ҳуқуқий тартибга солади. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Бирлашган миллат ташкилоти (БМТ)нинг ихтисослашган муассасаси ҳисобланади. У халқаро меҳнат ва ижтимоий муаммолар соҳасида фаолият юритади.***

ХМТ миллатлар лигасининг ихтисослашган муассасаси сифатида 1919 йилда ташкил этилган. Ҳозирда ХМТ га 174 та давлат аъзо бўлган. ХМТ ўзининг қуйидагича таркибий тузилишига эга: Халқаро меҳнат коференцияси (ХМТнинг Бош Конференцияси), Маъмурий кенгаш ва Халқаро меҳнат бюроси (ХМБ).

Халқаро меҳнат конференцияси ХМТнинг бош органи бўлиб, у ташкилотга аъзо барча давлатларнинг вакилларидан ташкил топади. Ҳар йили бир марта ХМК сессияси ўтказилади. Сессияда ҳар бир аъзо давлатдан тўрт нафар кишидан иборат делегация иштирок этади. Депутатларнинг икки нафари ҳукумат томонидан, қолганлари эса касаба уюшмаси вакили сифатида иш олиб боради. Сессияда ҳар бир делегат якка тартибда овоз беради.

Маъмурий кенгаш (МК) ХМК томонидан сайлаш асосида ташкил қилинади.

Халқаро Меҳнат бюроси (ХМБ) доимий ишловчи котибиятдир. Уни Маъмурий кенгаш (МК) томонидан тайинланувчи Бош Директор бошқаради. ХМБ вакили маъмурий кенгашнинг розилиги билан Бош директор томонидан тайинланади.

ХМТ тузилишига асос бўлувчи уч томонлама вакиллик ҳукумат, тадбиркорлар, меҳнаткашлар (касаба уюшмаси) вакилларидан иборат.

Халқаро Меҳнат ташкилотининг қонун ижодкорлиги билан боғлиқ фаолияти конвенция ва тавсиялар қабул қилишда ўз аксини топган.

ХМТ 1999 йилгача 370 та халқаро ҳужжат (181 та конвенция ва 189 та тавсиянома) қабул қилган. Конвенция ва тавсиялар ХМКда икки марта муҳокама қилингандан сўнг қабул қилинади. ХМБ дастлабки лойиҳаларни тайёрлашда у турли давлатлар қонунчилигини ўрганади ва солиштиради. Ҳар бир конвенция (тавсия) тегишли қўмиталарда муҳокама қилинади ва ХМКда иштирок этаётган делегатларнинг учдан икки қисми ёқлаб овоз берса, ҳужжат қабул қилинган ҳисобланади. Конвенция ва тавсияни қабул қилиш тартиби бир хил бўлса-да, уларнинг ҳуқуқйи аҳамияти ва бажарилиш тартиби турличадир.

Конвенция одатда ХМТга аъзо камида икки давлат томонидан ратификация қилинади ва у кўп томонлама келишув ҳисобланади. Шу боис барча аъзо давлатларга ўз қонунчилигини конвенцияга мослаштириш мажбурияти юкланади.

Конвенцияни ратификация қилган давлат ўз қонунчилигини ушбу конвенцияга мослаштириб боради ва 2-5 йилда бир марта ратификация қилган ҳужжат юзасидан давлатда амалга оширилган ишлар ҳақида ХМТга ҳисобот бериб туради.

Бундан ташқари, конвенцияни ратификация қилмаган давлат ҳам маъмурий кенгаш сўровига асосан ўз миллий қонунчилиги тўғрисида ва конвенцияга доир масалалар юзасидан ҳисобот бериши шарт.

Тавсия халқаро шартнома ҳисобланмайди ва ратификация қилишни талаб қилмайди. Тавсия давлатга миллий қонунчилигини халқаро мезонлар даражасига етказиш учун берилган таклифдир. Бошқача айтганда, у ҳар бир тавсия давлат ўз қонунчилигини яратаётганда модел, ахборот ёхуд манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, тавсиялар конвенциядаги ҳолатларни тўлдириш, аниқлаштириш ва такомиллаштиришга ёрдам беради. Бунинг натижасида давлатлар конвенция ҳақида янада тўлиқроқ маълумотга эга бўлади.

Ҳукуматларнинг конвенция ва тавсия қабул қилиш ҳақида таклифи дастлаб экспертлар қўмитасида кўриб чиқилади. Қўмита турли давлатлар учун алоҳида конвенция қабул қилиш масалаларини ҳам муҳокамага қўяди.

Шундан сўнг қўмита тегишли маълумотларни конвенция ва тавсия қабул қилиш қўмитасига тақдим этади — бу тадбир сессия даврида амалга оширилади. Конвенция ва тавсия қабул қилиш қўмитаси маълумотларни муҳокама этиб, тегишли ҳукумат розилиги билан халқаро меҳнат мезонлари бузилган, деб топилган жойларга ХМТ вакилларини юборади.

Назорат қилиш механизми давлатнинг халқаро меҳнат мезонларини бажармаётгани ҳақидаги шикоятларни ўрганиб чиқишни ҳам ўз ичига олади. Бундай ўрганиб чиқишнинг тўртта усули мавжуд. Бунда ХМТга аъзо давлатнинг

**Jahon tajribasi**

касаба уюшмаси ёки тадбиркорлар ташкилоти ташкилотга давлатнинг амалга ошираётган ишлари ҳақида маълумотларни тақдим этиш мумкин. Бундай маълумотлар давлат томонидан ратификацияланган конвенция бажарилмаётганини акс эттириши мумкин. Шунингдек, шикоят текшириб чиқиш учун Маъмурий Кенгашга ҳам берилади. Одатда шикоятлар бошқа давлат фуқароси бўлган, бетараф, юқори халқаро нуфузга эга шахслар томонидан текшириб чиқилади. Комиссия шикоятдаги маълумотларни гувоҳларни эшитиш ва мамлакатдаги реал аҳвол билан танишиш орқали баҳолайди.

Кўриниб турибдики, меҳнат билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда ХМТ фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки ХМТ меҳнат билан боғлиқ мезонларни белгилайди, унга риоя этилишини назорат қилади. Халқаро меҳнат стандартларини бузган ёки унга риоя қилмаётган давлатларга нисбатан тегишли чоралар қўллайди. Бундай фаолият натижасида инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун асосида халқаро миқёсда ҳимоя қилинади.

**Абдуқодир ДОНАЕВ,**
**Рустамхон АБУЛХАЙРОВ**

